

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 11 апрель шанба
Сотувда эркин нархда № 74 (1855)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизimini ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевоасита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади:
мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилга белгилангандан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

2. Белгилаб қўйилсинки, кичик ва ўрта корхоналар одағда хомаш ё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-қуроллар, халқ бандий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинсин.

Кўргонлар, қишлоқ ва овулларда янгидан барпо этилаётган, ишлаб чиқариш-техника соҳасида мулкдорларнинг маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 31-моддасининг 18-банди тadbик этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мажбуриятда қўрсатилган имтиёзлар фақат Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига алоқабун бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.

4. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўз вазифаси ва фаолияти йўналишларини кенгайтириш ҳақидаги тақлифлари қуйидаги ҳолларда қабул қилинсин:

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятини йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самардорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг катта-кичиклиги, мулк шакли ва соҳа

бўйича кимга буйсунишдан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисобот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларининг амалда бажарилиши борасидаги ишларни йўлга қўйиш;

“Бизнес-фонд”, “Мадад” сугурта агентлиги, “Тадбиркорбанк” кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган тадбирларни мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банкларининг:

“Бизнес-фонд”, “Мадад” сугурта агентлиги, “Тадбиркорбанк”нинг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига алоқабун бўлиб кириши ҳақидаги;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тармоқ ва ҳудудий хўжалик бирлашмалари ва улар таркибига кирадиган корхоналарга кредит беришни амалга ошираётган тижорат банклари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятида шартнома асосида, унинг билвосита аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги;

ҳудудий хўжалик бирлашмалари, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг Палатанинг марказий ва минтақавий кенгашлари фаолиятида уларнинг аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги тақлифлари маъқулансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бир ой муддат ичида мажбурият Фармоннинг 4- ва 5- бандларидан келиб чиқадиган барча зарур низоом ўзгаришларини амалга оширсин.

6. Фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватловчи Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари уюшмасининг уни Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига айлантириш, айна вақтда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фондини Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фонди деб аташ ҳақидаги тақлиф маъқулансин.

7. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси деҳқон ва фермер хўжалиқларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бirlаштирилади, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустакil доавалат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустакilлик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширилади.

“Замин” банкнинг Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок этиш;

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкнинг деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун 20 миңдан 125 миң АКШ долларигача миқдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналишини ажратиш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳам қўлган ҳолда,

сармоя лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинмайдиган йиллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим;

хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаёмга қайта тақсимланаётганда 3 ойдан ортиқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.

8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари, жумладан, “Тадбиркорбанк” ва “Замин” банки орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган бош битимлар асосида кредит йўллари очилган амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўзининг ихтисослашган ташқи савдо фирмалари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни ташкил этсин. Уларга хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотлари ўтказишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бўлимлари, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, маҳаллий солиқ ва статистика хизматлари билан биргаликда 1998 йил 1 июлига қадар барпо этилган ва ишлаб турган кичик ва ўрта бизнесга мансуб барча корхоналарнинг сонини аниқлаш мақсадида, уларнинг рўйхатини инвентаризациядан ўтказсинлар;

хусусий кичик ва ўрта корхоналарининг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли ҳудудий бўлимлари ёки Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига белгиланган тартибда аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасини барпо этилаётган ва тугатилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳақидаги ахборот билан ҳар ойда таъминлаб турсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида:

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида; Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида; кичик ва ўрта корхоналарини ривожлантириш қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилсин.

12. Алина вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунийлик ва меъриий ҳужжатларни мажбурият Фармон қондаларига мувофиқлаштириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

13. Мажбурият Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ҳ. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 апрель

И. КАРИМОВ



«ШОШТРАНС» ДУНЁ КЕЗМОҚДА



Темир йўллarda, автомобиль магистралларида кўп тонналик юкларни ташини — «Шоштранс» акционерлик жамияти фаолиятининг асосини ташкил қилади. Негаки бузунги кунда мамлакатимизнинг узок ва яқин хорижий элар билан алоқаси тобора кенгаймоқда. 1994 йилда ташкил топан бу жамият ҳозирги кунда қўллаб қўйиша корхоналар, фирмалар, қатор тижорат тизимида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг огирини енгил, мушкулсини

осон қилмоқда. Сиз «Шоштранс» белгиси билан юрган машиналарни ёки вагонларни нафақат Марказий Осиёда, Фарбий Европа, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатларда ҳам кўришингиз мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Шоштранс» акционерлик жамияти жамоаси ўз миждозларига мана шундай хизмат кўрсатади.
В. БАСКАКОВ олган суратлар.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов бошчилигидаги делегациянинг Японияга ташрифи нҳоясига етди. У мажбурият мамлакат ҳукуматининг тақлифига биноан Япония пойтахти ва кунчиқар мамлакатнинг бошқа шаҳарлари инфра-

тузилмаси билан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Токио муниципалитети раҳбарияти томонидан қабул қилинди, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик учун парламентарлар ассоци-

ацияси вакиллари билан учрашди. Улар мамлакатимиз ҳаётига катта қизиқиш билдирдилар ҳамда муҳим лойиҳаларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, шунингдек қардош шаҳарлар даражасида алоқалар ўрнатилтиш тақлифини киритдилар.

Делегация, шунингдек, Йокотага ва Цукуба шаҳарларида бўлиб, илмий ва тадқиқот марказлари фаолияти ва келгуси асрда Япония иқтисодий қудратини белгиловчи илгор технологиялар билан танишдилар.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Токио.

ФАРМОН ВА ИЖРО ПИЛЛАКОРЛАР МАМНУН

Мавсумга пухта тарadd қўраётган Қорақалпоғистон пиллакорлари «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизimini такримилаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пиллачилик соҳасини бошқариш аснода такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини таъминлаш билан кўп ишлар.

Оролбўйи «кумуш тола» иждоқорлари мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган муҳим таркибий ўзгаришлар, оник белгилаб берилган чора-тадбирлар соҳада кўп йиллардан буюн ўзгаришларни кўриб қолди.

Ислаб имкон, ахтариб макон ва молиявий ечим топан раис энди беллини янада маҳкамроқ боғлади. Бел боғлиқлик замирида «Нарпай» шўхрати, олдинги доврғи қайта шаклланди.

1992 йили қурилиш бошланган Мангит пилла заводи моблағ етимишлиги баҳонасида ишга туширилмайтир. Шунингдек, хитой ва италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда пиллонни қайта ишлашни қўйиша корхона куриши хусусида фойдали музокаралар олиб борилган эди. Бу корхона учун қанда 500 тонна хомаш зарур. Бунинг учун йилга 1300 тонна пилла етиштирилиши лозим. Ҳолбуки, ҳозир йилга тайёрланаётган пилла 570 тоннадан ошмаптир.

Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорининг изчил амалга оширилиши Оролбўйи пиллакорларига «кумуш тола» етиштиришни бир неча боровар қўйиштириш учун кенг имконият яратди.

А. ИСКАНДАРОВА,
ЎЗА мухбири.

ШУҲРАТ ТИКЛАНЯПТИ

- РАИС ТАДБИРКОР БЎЛГАЧ...
- ДАРОМАД БУРОМАДАН ОШИДИ
- ИЗЛАГАН ИМКОН, АХТАРГАН МАКОН ТОПАДИ
- ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАНГАН

— Раис сифатида иш бошлаганимда хўжалик 20 миллион сўм қарз эди, — дейди у. Устига-устак, ўтган йили ғалч хўжалик ҳам, пахтачилик ҳам аро йўлда қолиб кетганди. Худди шу аҳволда 2650 онални, ёхуд 14 миң 900 аналнинг ижтимоий ҳимоялашим, яқши ва ёмон кунда каламбарбаста бўлишим керак эди. Бунинг учун эса қўл узун, бел бақувват бўлмоғи керак.

— Қўл узун, бел бақувват... Бунинг учун изланиш, ишнинг кўзини биллиб, тийинини сўмга қўпайтира олиш лозим.

Ҳудди шундай техника воситалари ҳам ночор аҳволда бўлиб, 22 та чоқиқ тракторидан 14 таси, 14 та ҳайдов тракторидан аттиги 3 таси ишларди.

Эканнингги ўрасан, деб бежиз айтмаганлар. Жорий йилнинг биринчи августида ғалла,

ҳосилни олиб бўлмади. Худди шундай техника воситалари ҳам ночор аҳволда бўлиб, 22 та чоқиқ тракторидан 14 таси, 14 та ҳайдов тракторидан аттиги 3 таси ишларди.

Эканнингги ўрасан, деб бежиз айтмаганлар. Жорий йилнинг биринчи августида ғалла,

Музаффар ШАРОПОВ.

РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА

Илгари хабар берилганидек, шу йилнинг 12-14 апрель кунлари Туркия Республикасининг Бош вазири Месут Йилмаз расмий ташриф билан мамлакатимизга келади.




Дарҳақиқат, шундай. Биз Юнус Эмронини қандай севсак, Навийини ҳам шу даражада севамиз. Камол Отатуевдан қанчалик фахрланасан, соҳибқирон Амир Темурдан ҳам шунчалик фахрланамиз.

Элчи жаноблари, Сиз Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни эътибор билан кузатиб бораётган бўлсангиз керак.

УМУР АПАЙДИН:

«ОЗОДЛИК МИЛЛАТНИ ТАНИТАДИ»



лики белгилик бўлди. Зеро, озодлик миллатни танитади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ҳоқ иқтисодда, ҳоқ маданият, адабиёт ёки санъатда бўлсин, йили тиник, Дейлик, ўзбек халқини маданияти хусусида тўхтаганидан бўлсак, биласизми, у ҳақиқатан ҳам ўзгача олам.

Мен Ўзбекистонни ўз ҳаётини қайта кураётган буюк юрт деб биланам. У тобора дунёга танилган бормоқда. Юртингиздаги фаолиятим мубоинида Ўзбекистоннинг жуда кўп жойларидан бўлдим, бозорларидан тўқинликнинг, фойз-бараканинг гувоҳи бўлдим.

Биласиз, халқларимизни азалдан бирлаштириб келган бир неча омиллар бор. Бу тил, дин бирлиги, тарихимиз, келиб чиқишимиз умумийлиги.

ари, юртингизда «Ўт-Банк» - Ўзбекистон - Туркия қўшма банкининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам хамкорлигимизнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётганлигини далиллайди.

Айтингчи, бугунги кунда турк ишбилармонлари Ўзбекистонда икки мамлакат имкониятлари даражасида фаолият юрятапти дея олсангизми?

Урилиш савол бердингиз. Тан олиш керак, мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган иқтисодий хамкорлик имконияти даражасида эмас, Бирок иқтисодий хамкорлик имконияти катнашган корхоналарнинг сони жиҳатидан Туркия чет давлатлар орасида олдинги ўринни эгаллайди.

«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Иқтисодий ти гуллаб-яшнаган Америка, Англия, Франция, Япония каби илгор мамлакатларда эришган ҳар қароридан унумли фойдаланиш ҳаётий эҳтиёжга айланган. Бу мамлакатларда саноатнинг гуркираб ривожланишига ҳам эрга бўлган соғлом муносабат ва ундан олинаётган мўл-кўл ҳосил сабабдир.

Ўзбекистонда минглаб қўли гул деҳқонлар ва улар ардоғидаги қанчадан-қанча унумли майдонлар бор. Айни вақтда мамлакатимизда фойдаланилмаган ётан ёки ҳосилдорлиги ўта паст минглаб гектар ерларни бодлиги кишини ўйлатиб қўяди.

ҳар йили уч маротаба ҳосил кўтарди. Гулистон бозоридаги илк бодринг, помидор, ҳандалак, қовун-тарвуз ва картошка албатта Мирза отаники бўлади.

га қичийдиган жойини бугун қашлаб қўядиган ўта тadbиркор одам. Пахтадан олган даромади кичикроқ хўжаликнинг даромадига тенг. Сут-қатиги булоқ бўлиб ётибди. 5 гектарлик боғидаги ҳосилни ҳар йили ҳам-

жада таъминланганлиги эътиборга олинсин» деган банд киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Айримлар танбурни маромига «эктазиб чалишини, жулдажула орзу қиладилар. Дард бўлгани билан бу одамларда на дармон, на ўқув, на малака бўлмаганлиги сабабли танбур «сайрамайди».

хўжалигини юритиш учун ер бериш» ҳақидаги 52-моддасида қўйилган жумалар бор: «Фермер хўжалиги туман ҳокимлигидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади...»

ЕР ЭГАСИНИ ТОПАДИ



қишлоқларини мактаб, боғча болаларига текинга тарқатади.

Қўриқдаги учта мисолдан кўриниб турибдики ер қачон эгасини топса, одамнинг қўлига тушса яйраб-яшнайд.

Кодекс лойиҳасининг 36-модда, 6-бандида: «Ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш...» қўзда тутилган.

Уттан йили Сирдарё вилояти тadbиркорларининг «Ташаббус» кўрик танловида оқолтинлик Беғмат ота Жайноқов биринчи ўринни эгаллаб 6 миллион сўмлик имтиёзга қарз ва «ДЭУ» телевизори билан мукофотланди.

Ер кодекси матбуотда чоп этилгандан бунён қўллаб одамлар билан мулоқотда бўлишга, уларнинг лойиҳа ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини эшитишга тўри келди.

Кодекс лойиҳасининг 24-моддасида ер Ўзбекистон фуқароларига ва юридик шахсларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилиши таъкидланган.


Кодекс лойиҳасининг 36-модда, 6-бандида: «Ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш...» қўзда тутилган.

Ер ҳақида ўз саховати, неъматини ва тортигини билан барчамизни едириб-қийдириб келган. Унинг ҳақиқий эгаси омилкор, ишнинг кўзини биладиган, тadbиркор кишилар бўлиши керак.

Лойиҳанинг «Фермер

ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙДИ

Қизилтепа туманидаги «Зиёла» аҳолига мансий хизмат кўрсатиш жамоа корхонасида қурилиш учун зарур бўлган блок-ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.



«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЗГУЛИК

Оила нима, деб сўраш бир қарашда жўн туюлади. Бироқ фарзанд ким, Ватан нима, деган саволлар қоршида эса кўнглимиз олончеч бўлиб қетади.

Энди хулоса қилайлик. Оила ҳам шундай аслида. Фарзанд — оила, Ватан — оила, муҳаббатли ёр — оила, десак тўри бўлмайми? Бугун юртимизда оила шакли, кадр-киммати учун кўп ва хўл сўзлар айтылди.

Газетамизнинг маърузи сонидан бошлаб таҳририят томонидан тайёрланган саволлар юзасидан юрtdошларимизнинг фикрларини бериб бораемиз.

Кўнглимиз БУРХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал майори.

ТАРБИЯ САМИМИЙЛИҚДА

Оиласини қадраган одам Ватанини ҳам қадрайдиган қадир, деган фикрни қандай изашлайсиз?

Оиланинг ҳар бири ўзгача олам. Оила — ота-она, уларнинг бола-чақалари, тушганларнинг табиий, иқтисодий ҳуқуқий, маънавий муносабатларининг иқтисомий бирлигидир.



Шундай. Аввало, оиладаги тарб-саломат бўлишга, тинчлик-тотувилик, бир-бирини тушуниш ҳўм сурса, солиҳ ва солиҳа фарзандлар ота-она уғитларини доимо ёлда сақласалар, имон-этиҳод тушунарларини онгига сингирган одамларнинг оиласидаги хотиржамлик доимий равишда давом этади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам халқимизнинг тинчлиги ва оёйишталлигини таъминлаш, фуқароларимизни турли жинсий таъвоулардан ҳимоя қилишда шарофли вазифаларини бажармоқдалар. Зеро, фуқаро, оила, маҳалла бир-бирига чамбарчас боғланган энгизир бўлиб, бу энгизир қанчалик муетаҳкам ва пишнқ бўлса, давлатда оёйишталлик ва барқарорлик ҳўм суради.

Оила хотиржамлиги — юрт оёйишталлиги, шундай эмасми?

кемириб мурсаю мадора қилиб яшаши мақсадга мувофиқдир. Ҳақисе шарифда «Хотин кишига энг ҳақиқ кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳақиқ кўп онасидир» дейилади. Бу сўзларнинг замирида олам-жаҳон матно бор.

Бу ўринда фарзандларимизнинг тарбиясига барчамизнинг масъуллигимизни таъкидлашни истар эдим. Албатта, ота-оналар биринчи навбатда. Мо-зийдан бизгача бир ривоят этиб келган: «Фарзандлар тарбиясини қанчондан бошлаш керак?» — деб бир донишманддан сўра-шибди. Шунда у бола қачон ту-тилганлигини сураганда, ота фарзандининг уч ойлик бўлганини айтган. Бу жабобни эшитган донишманд «фарзандингиз-

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Сир эмаски, таълим тизимида ҳам замонавий ҳорижий технологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўри ва юксак малакали мутахассислар тайёрлашдаги жаҳон стандартларини эгаллашдан бунда кўнглимиз юксак мақсадларга эришиши мумкин.

Бундан бир йил муқаддам ушбу компания билан институтимиз ўртасида махсус шартнома имзоланган эди, — дейди институт ректори Х. Алмонов.

«Халқ сўзи» мухбири Кўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.

МАЪМОУРИЯ

Сир эмаски, таълим тизимида ҳам замонавий ҳорижий технологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўри ва юксак малакали мутахассислар тайёрлашдаги жаҳон стандартларини эгаллашдан бунда кўнглимиз юксак мақсадларга эришиши мумкин.

Ушбу илгори марказининг институт фаолиятида тўтаётган ўрни ва аҳамиятини қандай бўлади? Аввало, бу ерда талабалар матбаа мутахассислиги бўйича мангушулар утказишлари, ўқув амалдорларини оёйиш беришлари ва зарур матбаа махсусотларини шу ердаги ушбу талабаларнинг мумкин. Шунингдек, марказдаги машиналар компания учун кўрғазма ролини

МАЪМОУРИЯ

ҳам утайди. Республикаимиздаги маъруза матбаа корхоналари мутахассислари ушбу машиналар билан яқиндан танишиб, лозим топилса, ана шу уқунларини компаниядан харид қилишлари мумкин бўлади. Компания келажакда янги ишхори қилинадиган машина ва уқунларини билан ўқув марказини мунтазам равишда таъминлаб туриш маъбуриятини ҳам ўз зиммасида олади.

Ушбу марказини очилишига бағишланган тантанали маросимда Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндайи, Халқаро полиграфия ўқув юрталари уюмисини президенти Ш. Лиубетурт, Москва давлат матбаа университетини ректори А. Шеганенко, «Тейдсбергер» фирмаси бошқаруви раиси Х. Медори, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Шогуломов ва бошқалар сўзга чиқди.

Гуфур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири. СўРАТЛАРДА: ўқув маркази очилиши маросимида даъватлар. Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.

Олам ранг-баранг. Одамларнинг турмуш тарзи турфа хил. Ҳаёт ҳамма нарсадан азиз, ганимат. Шу муқаддас неъматнинг гўзаллиги, қомиллиги қаерда бўлмасин! Инсоннинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун виждон амри, имон нури тарқатилса бўлди. Бу ҳолни Америка Қўшма Штатларида бўлганимда ҳам гувоҳи бўлган эдим. Она юртимда қонунларга, шартномаларга садоқат, сўзсиз, ихтиёр равишда риоя этиш ҳақида гап кетганда АҚШда кўрганим ўша хуш одоблар, фидойилик ёдимга тушди. Уларни сизлар билан баҳам кўришни лозим топдим.

СИЭТЛА БЕКАТИДА

Американинг Сиэтл шаҳридаги «Тошкент» кафесига мезбонимиз Деан Кейти олиб борди. Ошқона ўзбекчасига дид билан безатилган. Худди янги тушиб, сеппи ёйилган келин уйдагидек ҳис этасиз ўзингизни. Рўпарада сотувчи турадиган пештахта орқасидаги жовонларда ҳаворанг пахта гулли, қизил кийик расми туширилган пиёла, чойнак, коса, лаганлар терилиб, атлас пардалар тутилган. Деворларда доғ-печ, кирпеч, дўппи, рўмол ослғил.

Ўзбек таомларидан баҳраманд бўлиб, машина турган бекатга келди. Мен айтиб бермоқчи бўлган ибратли воқеа шу ерда юз берди.

Ҳамроҳим шифокор олим Саид-гануҳжа билан ҳаммамиз машинага ўтириб, мезбонимиз уни ўт олдиригани чоғланди-ю, тўхтаб, уэр сўраб, машинадан тушди. Машинанинг рўпара ойнасининг бир чеккасида ёпишиб турган зигирдай қоғозни олди-да, нарироқда ўрна-тилган автомат-телефонга ўшанган темир қутичанинг ёнига борди. Ҳам-ёнидан пул олиб, ҳалиги автоматта ташлади-да, отилиб чиққан паттачани олиб, қайтиб келди-да, машинани ҳайдаб кетди.

Машина кўчада турганига ҳам ҳақ тўланадими, деб сўрадим.

«Йўқ, — деди қулиб мезбон, — турганига эмас, тўхташ мумкин бўлмаган жойга қўйганим учун жарима тўлади. Йўғимизда, полициячи келиб, бизни безовта қилмай, белгиланган жаримани ёзиб кетган экан. Ушанга кўзим тушиб қолди. Чиндан ҳам белги бор экан, шоянб кўрмабман.

Когозини кўрмай қолганингиз-да нима бўларди?

«Хеч нарса, хонаси келиб, суриштириб қолмагуларича юраверардим. Лекин, кўриб кўрмасликка олиш ёмон, жуда уят, қонун-қоидаларга хилоф. Ундай қилишни виждон кўтармайди. Арзимаган кейин, худо берадиган қисмасин... Кейин, эътибор берган бўлсангиз, машинанинг номерини ёчиб, олиб кетишиб, овора қилишгани йўқ, жари-

мани банка бориб, сарсон бўлиб тўлаб, қоғозини кўрсат дейишмайди, вақтингизни олишмайди. Қулай қилиб қўйишган. Бир сизларга мақтаниб қўяй — айбни буйинга олиш, тўрилаш ҳам марднинг иши.

роқ бўлажақ.

ШАРТНОМА ИШЛАЙДИ

Гуруҳимиз раҳбарининг ташаббуси билан шохли қорамоллар боқадиган бир чорвадор — фермер

туртиб юборган америкалик билан гаплашиб, нимандир ёзиб берганича ярқираб турган «Форд» машинаси ёнгинамизга келиб тўхтади. Мезбон кетдик, деди-да машинага чорлади.

— Нима гап? Нега полициячи аралашмади? — сўради шеригим.

— Биз «айбдор» билан келишдик, — деди қулиб мезбон, у тузатиб, ўйга етказиб берадиган бўлди. Шикастланган машинада юриш одатимиз йўқ. Машинамиз тузатилиб, уйимизга ёки айтган жойимизга етказиб берилгунча — ишимиз битгунча, ана шу

Шунда мустабид замонда, кишилар қонига сингиб кетган алдов, ёлгон, мунофиқликни кўрган, даҳрийлик муҳитида улғайган ҳамроҳимиз билан савол-жавоб бўлиб ўтди.

— Шахсий манфаатни кўзлаб, соф фойдани яшириб, озрок фойиз тўлаш ҳам мумкин-ку!

— Уэр, англамадим, қандай қилиб яширади. Унда топгани харом бўлади-ку! Харомни бола-чақасига едирадим! Касофати, касорати уради-ку! Қонунни оёқ ости қилган бўлади-ку! Аллоҳ ҳамма нарсани билгучи, кўргучидир.

Дунёда инсондан улуг зот йўқдир. Мабодо, бирон-бир ташқи таъсир остида, беихтиёр халқ ва жамият томонидан эътироф этилган нафақат қонун, тартиб-қоидалар, шу қаторда тарбия, қомили инсон маромлари бузилса, уларга хилоф хатти-харакат қилиб қўйилса — виждони азобда қолиб, чукур изтиробга тушиб, ўзини-ўзи кемиривчи бўлмаган кимса — Олий инсон саналмас.

Хар кимнинг ўзига инсоф берсин!

Биз мусулмонлар қонунни бузишга худодан кўрқамиз. Қонунга садоқат-иймон иши.

Қани энди қанчадан-қанча чифриқлардан ўтган, қатта машаққат билан юзага келган, қонунларга — риоя этиш, уларнинг ижроси ялписига юксак даражада бўлса, жамиятимиз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари нақадар тез борган бўлар эди. Бунда ички интизом, ақл-идрок, салоҳият, иймон, виждон талаби устун бўлиши керак. Халоллик — иймондандир. Халоллик қонун билан қолланган юрт равақ топади! Алҳамдулulloҳ сиз билан биз шундай юрт фарзандларимиз!

Келинг, барчамиз баробар қонун-қоидаларни писанд қилмайдиганлар, уни ҳар қадамда бузаётганлар, қонунларимизнинг, шартномаларимизнинг зарарига ишлаётганларга бепарво бўлмайлик.

Шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганларидек:

Эй, табиат, Она Ер Сен бер мадад, тарқатмасин:

Ҳеч қачон одам дилин Виждон юки, имон юки.

Расул РАҲМОНОВ.

ВИЖДОН ЮКИ

ЛАВҲАЛАР

ЭТИҚОД

Нью-Жерси штати. Америкалик мезбонимиз машинани бошқариб бораркан, тўрт томони кўз илгамас кенгликларга чўзилиб кетган, кафтдек текис, кимсасиз яйловда бироз тўхтади-да, соатига бир қараб олиб, яна илгарилаб кетди. Биз ҳамроҳимиз билан бир-биримизга савол назари билан қараб, ҳеч нарсага тушуноммай, елкамизни қисиб, суҳбатимизни давом эттиришга оғиз жуфтлаган эдик, зийрак мезбонимиз гап очиб қолди.

«Ўзбек халқида, ажойиб бир теран лафз бор — амал, риоя деган. Америкада қонунларга амал қилиш зўр. Давлат у ёки бу соҳа бўйича қонун-қоида белгиладими — уни шакшубасиз бажариш талаб қилинади. Асл, ҳақ талаб-имон талаби.

Ҳалиги мен бироз тўхтаган жойдан ўтиб кетиш ҳам мумкин эди. Бийдай дала кўриб турибсиз ўзимиздан бўлак ҳеч зог йўқ. Бизни кузатиб турган кўз ҳам, таъкиб этган миришаб ҳам йўқ. Ўзимиз хон, ўзимиз бек, кетатган эдик. Лекин йўллар кесилсанган ерда тўхтаб ўтиш қоидада бор.

Энг муҳими — инсон тафаккури, онгини, виждонини парда тутмасин. Ахир, айтишадик, кўза кунда эмас, кунда синди, деб. Қоидага, қонунга бўйсунмаслик бир кун эмас, бир кун кўнгилсизликка олиб келади. Инсон зоти макондан қатъи назар имон, виждон эгаси бўлиб қолса, мушкуллар осонлашажақ, муаммолар ҳам

хўжалигига бордик. Қирқ ёшлардаги эр-хотин тасарруфида уч юзта қорамол бор экан. Етти-саккизта ёрдамчи. Сут соғувчилар автоматлари соғлаш билан банд. Ҳаммаёқ озода. Мезбондан ҳамма ишга қандай улгурасиз, деб сўрадим. Улгурганда қандоқ, — деди у, — шартнома ишлайди. Йил бошида озуқа етказиб берадиган ҳамда сутни қайта ишлайдиган, ўзимизга ўхшаган соҳиблар билан шартнома тузамиз. Шу шартномага асосан, сифатли, етарли озуқа вақтида келиб туради, сут найчалар орқали, қўшни қайта ишлаш қорхонасига кетаверади. Даромад шахсий ҳисобимизга бехато тушаверади. Шартнома бирон сабаб билан ўзгартрилмаса, иш шу асосда давом этади. Шартномага сўзсиз амал бизда шарт.

— Полициячи аралашмади?

— Биз чақирмадик-ку! Келишолмасак, зарурати бўлса, чорласак келарди. Унинг хизмати ҳам ҳақ тўларди. Бу ерда қонунбузарлик йўқ, Фавқуллода юз берган, беозор ҳодиса. Хуқуқ доирасидан чиқилган ёки унга дахл қилинган воқеа содир бўлгани йўқ. У ўзини бизнинг ишимизга аралашмайди, бундай ҳолатда. Аралашадиган асоси бўлсагина аралашади. Зотан, ўзимиз тил топишдикми, бас! Чақирмадик, келмади, дахлсизлигимизни ҳурмат қилди, қонун-қоидаларга риоя этди...

ИЙМОН ИШИ

Нью-Йоркнинг гавжум кўчаларидан бирида, замон тақозоси билан ўша ерларга бориб қолган бир ватандошимизнинг ип-ғазлама дўкони бор экан. У кишидан хабар толиб, йўл-йўлакай кўргани кирдик. Соқол-мўйловлари оппоқ, сочларига нуқра қўнган нуруний ота — бизни мамнунлик билан самимий кутиб олди. Ичкарига олиб кириб, пахта гулли чойнак-пиёлада чой қўйиб берди. Суҳбат орасида, тўлайдиган солиғи ҳақида гап кетди. Сўзлари кечагидай қулоғимда турипти:

— Олинган соф фойдадан қанча фозиз тўлашимиз белгилаб қўйилган. Савдо-сотикқа, тушумга қараб, жисоб-китоб қилиб, белгиланган муддатда ўша фойзини тўлаймиз.

Машинада юраверамиз. Ҳисоб-китобнинг ҳаммасини ўзи қилади. Шунга келишдик.

— Полициячи аралашмади?

ИЙМОН ИШИ

Нью-Йоркнинг гавжум кўчаларидан бирида, замон тақозоси билан ўша ерларга бориб қолган бир ватандошимизнинг ип-ғазлама дўкони бор экан. У кишидан хабар толиб, йўл-йўлакай кўргани кирдик. Соқол-мўйловлари оппоқ, сочларига нуқра қўнган нуруний ота — бизни мамнунлик билан самимий кутиб олди. Ичкарига олиб кириб, пахта гулли чойнак-пиёлада чой қўйиб берди. Суҳбат орасида, тўлайдиган солиғи ҳақида гап кетди. Сўзлари кечагидай қулоғимда турипти:

— Олинган соф фойдадан қанча фозиз тўлашимиз белгилаб қўйилган. Савдо-сотикқа, тушумга қараб, жисоб-китоб қилиб, белгиланган муддатда ўша фойзини тўлаймиз.



... ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН



Марғилондаги «Едворлик» жамияти корхонаси маҳсулот ишлаб чиқаришни ишдан йиғиб қўйди.

Жамия ахли зардушлик ва ипак элани тўқушни йиғиб қўзғовиласи ҳамми бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу бежарим маҳсулотлар ўз харидорларини топди.

Зардушлик ва ипак элани тўқушни йиғиб қўзғовиласи ҳамми бўлгани йўқ. Тажрибали уста Фаррухон Валитов Бухоро зардушларининг доирасини эшитиб, Бухорога борди. У ерда ўз касбининг махрири бўлиб Сиддиқхон Қурбонова билан танишиб, унга ўз иштини бийлади. Сиддиқхон оша 3 нафар қизини ёнига олиб, Марғилонга келди. Шу тарққа марғилонлик қизларга ўз ҳунарларини ўргатди.

Ушунга қарамай зардушлар 10 хил турдаги миллий кийим тайёрлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: (оқорида) зардуш уста Моҳирхон Тоҳирматов ва ипак элани тўқувчи Шайхон Уриновлар билан; (пастда) ипак элани тўқувчи Фарузола Қурбонова.

Тоҳирхон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТОЗАЛИК — ҲАММАНING ИШИ

Давлатимиз раҳбарининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»ги Фармонида туман ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимларнинг ҳам шахсий жавобгарлиги белгиланган.

Фармон эълон қилинганидан сўнг Бухоро вилоятидаги 46 объект антисанитария ҳолатида бўлгани учун ёпиб қўйилди. Санитария-гигиена қоидалари бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар, жумладан, Бухоро тумани ҳокими ўринбосари Аҳмад Хайдаров, Жондор тумани ҳокими ўринбосари Жамоил Тўев, Когон шаҳри ҳокими ўринбосарла-

ри Шавкат Рўзиев ва Раҳмат Сатторов жаримага тортилди, — дейди Бухоро вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачси ўринбосари Хайриддин Қосимов. — Кишлоқ жойларидаги ишдан чиққан ва авария ҳолатидаги 17 та сув тармоғи тиббиётчиларнинг талаби билан қисқа муддатда таъмирланди.

Шу кунларда Бухоро, Когон, Гиждувон ва бошқа шаҳарларда ободонлаштириш, йиғилиб қолган ахлат уюмларини чиқариб ташлаш, хонадонларни саранжом-сарихталаш авж олдирилмоқда. Бу ишга аҳоли пунктлари ва маҳаллалар жамоатчилиги жалб этилаётир.

Илҳом САФАР, ЎЗА муҳбири.

700 дан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари

Тошкент Самарқанд Бухоро Андижон Фарғона Наманган Урганч Хива Навоий Қарши Гулистон Қўқон Термиз Янгийўл Чирчиқ Жиззах

UZDUNROBITA cellular

АЪЛО ДАРАЖАДАГИ ХУШҲАБАРЛАР!

1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, илгари тўлаб келинган абонент ҳақи эвазига миқозларимиз ўртача олганда ИККИ баробар кўп эфир вақтига эга бўладилар.

| | | | | | | | |
|----------|----------|---------------------------|-------------------|-----------|-----------|-----------------------|--------------------|
| План 30 | План 80 | 20\$ га — 30 эмас, ошига | 80 дақиқа | План 500 | План 1000 | 200\$ га — 500 эмас, | 1000 дақиқа |
| План 100 | План 200 | 50\$ га — 100 эмас, ошига | 200 дақиқа | План 1000 | План 1800 | 350\$ га — 1000 эмас, | 1800 дақиқа |

Агар сиз маҳаллий алоқалар учун чекланмаган эфир ҳуқуқини («Престиж» режаси) сотиб олишга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда сиз ҳар ойга илгаригидан фарқшроқ **450\$** тўлашингиз зарур.

Изоҳ: Хизмат кўрсатишнинг юқоридаги режалари Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Самарқанд шаҳарларининг абонентлари учун тегишли.

Бу ҳам ҳали янгиликларнинг ҳаммаси эмас!

«Ўздунробита» қўшма корхонасида шаҳарлараро ва халқаро алоқа тарифи яна бир бор арзонлаштирилди:

| | | |
|---|-------------------|--------------------|
| Ўзбекистон бўйлаб | 0.71\$ дан | 0.48\$ гача |
| Марказий Осиё (Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон) бўйлаб | 1.43\$ дан | 1.24\$ гача |

Ўзбекистон Республикасининг 700 дан зиёд шаҳар ва аҳоли-истиқомат қилувчи жойлардаги 17 мингдан зиёд киши компаниямиз абонентлари бўлгач, «Ўздунробита» қўшма корхонасининг — нуфузи ва истеъмолчилар учун қулайликлар яратилишига иқдор бўлдилар.

Яна бир янгилик!

1998 йил 1 апрелидан бошлаб Тошкент, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидаги абонентлар бир ўрамдаги рўйхатта киритилганлиги белгиланди. **БИНОБАРИН;**

- ана шу филиалларга кирувчи барча абонентларнинг чақириб қўнғироқлари бекуп;
- ана шу филиаллардаги абонентлар Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл худудлари бўйлаб юрганларида хизмат кўрсатишнинг ромиңг режаси уларга қўлланилмайди.

Телекоммуникациялар бозоридаги барқарор вазиятнинг белгисидир.

17 000 дан зиёд абонентлар

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси

жойлашган майдоннинг 90 фоизга

яқини уяли алоқа воситамиз билан қопланган.

Ўзбекистон худудинда

автоматлашган

ромиңг

Кеча-қундуз ахборот-маълумот хизмати: 30 09 09, 31 09 09 ва 611 («Ўздунробита» ҚҚси уяли телефони орқали).

Сервис-Марказ: Савдо бўлими, абонентларга сервис хизмати. Манзил: У. Юсупов кўчаси, 1А.

ДУШАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Хафтаном»... 8.30 «Навруз тароналари» 9.00 «Эзлик»...

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша» 19.05 «Сен хақингда ва сен учун»...

ЧОРШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Лиринг концерт. 8.55 «Ўзбектедифильми»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун «Бешбармоқ» Тележурнал 18.30 «Шерб ва шур»...

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида) 18.15 «Жаҳон халқлари эрталаби»...

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша» 19.05 «22.05 Эълонлар»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун «Бешбармоқ» Тележурнал 18.30 «Шерб ва шур»...

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида) 18.15 «Жаҳон халқлари эрталаби»...

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша» 19.05 «22.05 Эълонлар»...

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида) 18.15 «Жаҳон халқлари эрталаби»...

17.10-18.45 Туркия теледидеоси 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша»...

Бокс. Бокс. Бокс. 12.05 Болалар экран. Уолт Дисней мультфильми...

17.15-20.45 20.45 «Семург - бахт куши» Телефильм...

21.35 Эълонлар. 21.40 Хинд фильми шикобозларга: «Парама»...

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша» 19.05 «Сен хақингда ва сен учун»...

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» 18.15 «Бор экан-да, йўқ экан»...

17.10 Кинотизор. 17.15 Янгиликлар. Россия жамоат теледидеоси...

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша» 19.05 «22.05 Эълонлар»...

18.00 Кўрсатувлар дастури 18.05 «Даракчи» 18.15 «Сувости дўнсага савхат»...

17.10-18.45 Туркия теледидеоси 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультимоша»...

18.45 «Мультимоша» 19.00 «22.05 Эълонлар» 19.05 «Сен хақингда ва сен учун»...

«АСАКА» БАНК ҲАМДА ОВРУПО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ дастурини тақдим этади. КРЕДИТ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ: Кредит олувчи: - Ўзбекистон Республикаси резиденти (давлат секторининг улуши 50% дан кам) бўлиши керак...

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноатқурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» 1997 йил якуналари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этади. Банкининг рўйхат рақами 1530/17 25.06.1991 йилдан Манзили: Тошкент ш. Абдулла Тўқай кўчаси, 3. Телефонлар: (3712) 133-34-26, 133-34-16. Факс: (3712) 133-63-54.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ 1998 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА. Активлар: 1. Нақд пуллар 464,304; 2. Марказий банкдаги пул маблағлари 5,528,931; 3. Банклардаги соф маблағлар 4,083,441; 4. Қимматбаҳо қозғалар 1,388,927; 5. Банкларга берилган кредитлар қолдиги 193,096; 6. Мижозларга берилган кредитлар соф қолдиги 17,069,870; 7. Соф инвестициялар 221,784; 8. Бошқа активлар 774,726; 9. Асосий востилар 1,345,409; 10. Ями активлар 31,070,488. Пассивлар: 1. Талаб қилиб олинганга қадар бўлган депозитлар 13,190,827; 2. Жамғарма депозитлари 434,506; 3. Муддатли депозитлар 362,871; 4. Банкларнинг депозитлари 307,943; 5. Бошқа банклардан олинган кредитлар 12,899,185; 6. Бошқа пассивлар 589,890; 7. Ями пассивлар 27,785,222. Капитал: 809,700; 99,920; 1,269,903; 1,105,743; 3,285,266; 31,070,488. Даромадлар ва харажатлар ҳисоботи 1997 йил учун: 1. Фозиш даромадлар 2,008,432; 2. Фозиш харажатлар 1,044,048; 3. Фозиш соф даромад 964,384; 4. Судиалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси 126,471; 5. Судиалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасига маблағ ажратилгандан кейинги соф даромад 837,913; 6. Комиссион хизматлар ва бошқа йилмилар бўйича соф даромад 2,411,982; 7. Чет эл валютаси операцияларидан соф даромад 298,729; 8. Қимматбаҳо қозғалар операцияларидан соф даромад 438,204; 9. Бошқа операция даромадлар 81,925; 10. Ями операция даромадлар 4,068,753; 11. Ходимларга маошлар ва бошқа тўловлар 585,160; 12. Бошқа операция харажатлар 911,137; 13. Ями операция харажатлар 1,496,297; 14. Солиқ тўлауна ва фавқулодда зарари қоплаунага қадар бўлган соф даромад 2,572,456; 15. Берилган филиаллар бўйича фавқулодда зарарлар 585,812; 16. Солиқ тўлаунага қадар бўлган фойда 1,986,644; 17. Туланган солиқлар 716,741; 18. Йиллик соф фойда (зарар) 1,269,903.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узлаваҳар» Бош бошқарманининг мусул ходими МУҲАММАДЖОН ОРТИҚОВНИНГ бевақф вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-сига ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таззия изҳор этишди.

Бўлимлар: Парламент 133-57-34; Ҳўқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-63; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Манабабат 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, нуризм, спорт ва ҳарбий вазирликлар 132-12-08; Халқаро ҳўқуқ 132-11-15; Котибиат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Манзилимиз: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир - И. Худойёров. Набатчи - М. Алимов. Мусоҳиҳ - Ф. Усмонов. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти - 21.00. Босишга тоширилади: 22.20. 1 2 3 4 5 6

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ХАЛҚ СЎЗИ. ПАРЛАМЕНТНОЕ СЛОВО. Бўлимлар: Парламент 133-57-34; Ҳўқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-63; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Манабабат 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, нуризм, спорт ва ҳарбий вазирликлар 132-12-08; Халқаро ҳўқуқ 132-11-15; Котибиат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.